O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 20 июнь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 48 (7347)

Da'vat

Илмсиз бир яшар,
Илмли минг яшар.

Ўзбек халқ мақоли

Ibrat

Избоскан туманидаги Элатан қишлоғида жойлашган сўлим оромгоҳда кенг миқёсли ободончилик ишлари бажарилди. "Шарқ юлдузи" ва "Янги қишлоқ" ширкат хўжаликлари оромгоҳ учун ётоқхона биносини тиклаб беришди. Айни пайтда, бу ерда 400 нафардан зиёд болалар мириқиб дам олишмоқда.

ЎҚУВЧИМ ИККИ БОР ИМТИЁЗГА ЭГА БЎЛДИ

Munosabat

Бугун менинг хурсандчиликларим чексиз. Тўғрисини айтсам, ҳозирги хурсандчилик бироз ҳаяжонимни ҳам оширган. Чунки мен ўзимнинг шунча йиллик ўқитувчилик иш фаолиятим давомида яна бир синф ўқувчиларим мактабни битириш арафасида турибдилар. Айни дамларда уларнинг хурсандчилик ва ҳаяжонлари меникидан-да чексиз. Зеро, улар юртимиз мустақиллигининг 10 йиллиги кенг тантана қилинаётган шукуҳли кунлар олдидан, қолаверса, инсоният тарихида буюк ўзгаришлар даври бўлиши кутилаётган XXI асрнинг илк қалдирғочлари ҳисобланиб, етуклик шаҳодатномаларини ўз қўлларига олишмоқда. Бу ҳам рамзий маънода оладиган бўлсак, уларнинг бахти, шу билан бирга улкан масъулияти ҳамдир. Зотан, XXI аср Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек, интеллектуал — баркамол ёшлар асри бўлади. Албатта, бу йўлда ҳукуматимиз томонидан ёшларимизга кенг йўллар очиб берилмоқда. Бу куни кеча, яъни, 2001 йил 12 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг "2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига асосан яратилган янги имкониятлар, айниқса, бизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшаётган, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказларида жойлашган олий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган абитуриентларни 10 июлдан 10 августгача бўлган муддатда тегишли манзилга бир маротаба бориб келиш учун бепул темир йўл чипталари билан таъминлашларида ҳам кўринади. Бу қарор ОАВ ларда эълон қилинган кундаёқ жамоамиз, қолаверса, халқимиз қувончига қувонч қўшилди, десам муболаға бўлмайди. Шу боис, биз ҳам шу куниёқ барча битирувчи синф ўқувчиларимизни ушбу қарор билан таништирдик. Албатта, бу ўқувчиларимизни ҳам шодлантириб юборди. Ва уларнинг кўпчилиги пойтахтимиздаги энг нуфузли олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш истаклари борлигини билдирдилар.

Ўйлайманки, бугунги битирувчиларимиз ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрликларидан оқилона фойдаланиб, келажакда етук салоҳиятли, юрт учун фидойи, халқига муносиб хизмат қилувчи инсонлар бўлиб етишадилар. Бу йўлда эса улар мактаб давридаёқ ўзларини кўрсатишга улгурдилар, десам хато қилмайман. Ўқувчиларимиз мактабда ўқишлари давомида ўз намунали хулқлари ва фанларни ўрганишга бўлган тиришқоқликлари билан барча ўқитувчи-мураббийлар қалбида бирдек муносиб ўрин эгаллашди. Айниқса, ўқувчимиз Жақсылық Идияттиновнинг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасида иштирок этиб, Информатика ва ҳисоблаш техникаси ва фанидан иккинчи ўринни эгаллаши ва олий ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилиниш ҳуқуқини қўлга киритиши таҳсинга лойиқ.

Буларнинг барчаси, албатта, мустақиллик шарофати. Истаймизки, мустақиллигимиз боқий бўлиб, юртимиз келажаги ҳисобланган ёшларимиз Ватанимиз шонли шуҳратини дунё бўйлаб таратишда ҳеч қачон толмасинлар.

А.САФАРНИЁЗОВ,
Нукус шаҳридаги 8-лицей-интернат ўқитувчиси

Қашқа воҳасининг Қамаши туманида қад ростлаган педагогика-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ҳукуматимизнинг буюк келажак орзусида амалга ошираётган ишларидан намунадир. Бу даргоҳга Юртбошимизнинг ҳам ташриф буюриши ушбу таълим муассасаси ҳаётида тарихий воқеа бўлиб қолди.

ЮКСАК ДОВОНЛАР БЎСАФАСИДА

Qutlug' ostona

Бундан уч йил олдин Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган янги турдаги илм масканлари — академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилинган иқтидорли ёшлар бугун катта ҳаёт остонасида турибдилар. Биринчи қалдирғоч деган номни оқлаш, билим ва тарбия берган устозлари, ота-оналари олдида юзларини ёруғ қилиш истагида бўлган бу ёшлар айни дамда битирув имтиҳонларини муваффақиятли топшириш, келгусида етук мутахассис бўлишдек шарафга эришиш учун интилмоқдалар.

Айниқса, матбуотда эълон қилинган Президентимиз Ислом Каримовнинг "Магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига" йўллаган табриги ҳар бир битирувчи йигит-қизнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолади, десак ҳеч бир муболаға эмас. Зеро, мана шу уч йил ичида ўзларига қадрдон бўлиб қолган илм масканларини тамомлаб, мустақил ҳаётга дастлабки қадамларини қўяётган бир пайтда Президентимиздан оқ фотиҳа олиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермаслигини улар чин дилдан ҳис қилишмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг мазкур табриги нафақат битирувчилар, балки уларнинг ота-оналари, устозлари қалбини ҳам фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди. Юртимизда кезиб юрган мана шу хушкайфиятлик кунларда биз бу йилги битирувчилар, уларнинг ота-оналарию устозларини суҳбатга чорладик.

Улуғбек ТЕШАБОЕВ, Андижон муҳандислик ва иқтисодиёт институти қошидаги академик лицей битирувчиси:

— Биринчи қалдирғоч бўлиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли. Мамлакатимизда ташкил этилган илк академик лицейлардан бирининг битирувчилари эканлигимиздан фахрланамиз. Айни дамда биринчилик масъулияти ҳам бор. Қалбимдаги ниятларим юксак. Келгусида муҳандис бўлиб, мамлакатимиз равнақига улуш қўшмоқчиман.

Гулнора САЙФИДДИНОВА, шу академик лицей муаллими:

— Биринчи битирувчиларимизни ҳар томонлама мукаммал ўқитишга ҳаракат қилдик. Чунки улар лицейимиз юзи. Битирувчиларимиз ҳаётда ўз ўринларини топсалар, республикамиз равнақига муносиб ҳисса қўшсалар, бу биз берган сабоқнинг натижаси бўлади.

Куни кеча муҳтарам Президентимизнинг бу йилги битирувчиларга йўллаган табригини бизнинг меҳнатимизга берилган катта эътибор деб тушундим ва барча касбдошларимни бундан буён ҳам юксак масъулият билан ишлашга даъват этаман.

Оппоқ орзулар сари одимлаётган битирувчиларга оқ йўл тилаб қоламан.

Зариф ИСРОИЛОВ, СамДУ қошидаги академик лицей битирувчиси:

— Мен академик лицей дипломини қўлимга олгач, тиббиёт институтига топширмоқчиман. Институтга кириб, энг яхши талабалар қаторида ўқишга ҳаракат қиламан. Президентимизнинг бизларга йўллаган табригини ўқиб, жуда ҳаяжонланиб кетдим. Юртбошимизнинг бизга бўлган ишончини, албатта оқлайман.

Умар НОРҚУЛОВ, шу лицей битирувчиси, «COSCOM» стипендияси совриндори:

— Биз академик лицейнинг биринчи битирувчиларимиз. Бизга бу ердаги устозларимиз худди фарзандидек алоҳида меҳр-муҳаббат билан таълим беришди. Мен лицейда физика-математика фани йўналиши бўйича жуда кўп билимларни ўргандим. Шунингдек, лицейда ташкил этилган кичик академия аъзоси сифатида жуда кўп машҳур олимлар билан танишганимдан бениҳоя хурсандман. Бу йил физика фанидан бўлиб ўтадиган халқаро олимпиадада иштирок этиш имкониятини қўлга киритдим ва бу борада устозларимнинг, ота-онамнинг ишончларини оқлашга ваъда бераман. Келгусидаги мақсадим пойтахтдаги авиация институтига кириб, шу соҳа бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишдир.

Марҳабо ҲАМДАМОВА, лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:

— Бу йил илм даргоҳимизни энг иқтидорли 94 нафар ўғил-қиз битирмоқда, деб ишонч билан айта оламан. Чунки бу ердаги шароит ва яратилган қулайликлар ўқувчиларнинг ночор билим олишларига, ўқитувчиларнинг эса номигагина билим беришларига йўл бермайди.

Мадина АБДУЛЛАЕВА, Самарқанд саноат коллежи битирувчиси:

— Менимча, айни кунда компьютердан фойдаланишни ҳар қандай касб эгаси билиши керак. Биз коллежда компьютер мутахассислигини эгаллаш билан бирга, уларни таъмирлаш, замонавий алоқа тармоқларидан фойдаланишни ҳам ўргандик. Мен коллеждаги ўқишим давомида Самарқанд чет тиллар институтига кириш учун ҳам тайёргарлик кўрдим.

(Давоми 2-бетда)

МАКТАБИГА КОМПЬЮТЕР ОЛИБ БЕРГАН МУАЛЛИМА

Anjuman oldidan

Ҳаётда шундай инсонлар учрайдики, ўз касбига қўйган меҳри ва бу йўлдаги фидойилигини кўриб, бу одам фақатгина ушбу касб учун туғилган, деган қатъий хулосага келади киши.

Ҳулкар Мустафоқулова ҳам худди шундай кишилар сирасига киради. Жиззах вилоятида туғилиб, вояга етган Ҳулкар ёшлигиданоқ муаллимликка ҳавас қўйди, ўқитувчиларининг саболарини жон қулоғи билан тинглади.

Кўп йиллар Жиззах педагогика билим юртига раҳбарлик қилган меҳрибон устоз Аҳмаджон Мустафоқулов оиласида тарбия топган Ҳулкарой ўрта мактабни тугатгач, муаллима бўламан, деб қатъий қарорга келди ва Самарқанд давлат университетининг роман-герман тиллари факультетига ўқишга кирди.

Ҳали юртимиз мустақилликкга эришмасидан 15 йил илгариёқ хорижий тилларни ўрганиш мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши мумкинлигини, уларни билиш ҳар бир киши учун зарур бўлишини у ўша пайтдаёқ англаб етган эди.

Университетни ҳам муваффақиятли тугаллаган Ҳ.Мустафоқулова ўзининг педагогик фаолиятини Жиззах туманидаги 6-ўрта мактабда бошлади. Сўнгра Пахтакор шаҳридаги мактабда инглиз тилидан сабоқ берди. У дарс жараёнини бошқа ўқитувчилардан фарқли равишда ўтказишга, ўқувчиларга имкон қадар кўпроқ билим бериш йўлида тинмай ҳаракат қилди, изланди. Дарс ўтишнинг мураккаб, аммо замон талабларига ҳамоҳанг бўлган ноанъанавий усулларини ахтарди. Натижа ҳам ёмон бўлмади. У 1996 йилда туман бўйича "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловининг совриндори, 1997 йилда йилда эса "Ижодкор ўқитувчи" кўрик-танловининг ғолиби бўлиб, вилоят босқичида иштирок этди. Ҳ.Мустафоқулова 1998 йилда Британия кенгашининг "Миллий дарслик муаллифлари" мусобақасида қатнашиб, унинг ғолиби бўлди.

Амалиётчи педагог сифатида у яратган оддийгина, аммо дарс жараёни учун ўта муҳим бўлган кўргазмали қуроллар нафақат Британия кенгаши ходимларига, балки таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти — АКСЕЛС ходимларига ҳам жуда маъқул келди.

(Давоми 2-бетда)

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ 2-3-бетлар

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ 2-бет

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ 2-бет

БЕКОРЧИ БОЛАЛАР ВА ЎТ БАЛОСИ 4-бет

Mulohaza uchun mavzu

«А» БИЛАН «Б» ЖАНЖАЛИ

ёхуд ўқитувчиларнинг ушбу воқеликка панжа орасидан қараб, бамайлихотир қўл силташлари хусусида

Қадимгилардан қолган ажойиб ҳикмат бор: "Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб". Буни янада ихчамроқ, теранроқ, замонавийроқ ифодаласак, "танқид" сўзи келиб чиқади. Демак, танқидимиз дўстона ва ўринли бўлгани сабабли азиз мураббийларимиз мендан асло ранжимайдилар, деб ўйлайман.

Касбим тақозоси билан кўплаб мактабларда бўлиб тураман. Яқинда, яъни ўқув йили тугашидан олдин ибратли ҳисобланган мактабларнинг бирида ўтказилаётган тадбирни кўриш учун ташриф буюрдим. Мактаб ҳовлисида ўқувчилар йиғила бошлашди. Четроқдаги бир тўп болалар диққатимни тортди. Уларнинг ҳаракатларидан, гапириш оҳангидан ниманидир тортишишаяпти ёки жанжаллашишаяпти, деган фикр келди-да, ёнларига яқинлашдим. Адашмаган эканман, билишимча улар 3-"А" ва 3-"Б" синфи ўқувчилари экан. Ҳар иккала синф ҳам ўзларининг гапларини маъқуллашар, қарши синфни айбдор кўрсатишга ҳаракат қилар эдилар. Мен болаларнинг жанжалларининг сабабини дарҳол англадим.

— Болажонлар, сизлар ҳали жуда ёшсизлар, бир-бирингизга меҳрли бўлинглар! Ахир, мактабни битиргунингизча ҳали кўп йиллар бир-бировингизни ҳар куни кўрасизлар. Мактабингиз ҳам уйингиздек гап. Бир оиланинг фарзандлари аҳил бўлмаса бегоналар нима дейди, масхара қилишмайдими? — дея узоқ вақт тушунтирдим. Худога шукр, бола, барибир, бола-да. Уларнинг кўнглига йўл топсангиз дарров айбларини илғаб олишади.

— Қани бир-бирингиз билан ярашинг-чи, — дедим дадилланиб.

3-"А" ва 3-"Б" синфи ўқувчилари ўзаро қўл беришиб ярашиб олишди, яна "бир-бировимизга қилган қўпол ҳаракатларимиз, гапларимиз шунчаки ҳазил эди" дегандай шўх-шўх кулиб ҳам қўйишди. Мен энди уларнинг бундан буён дўстона ўқиб юришларига ишонч ҳосил қилиб хурсанд бўлдим. Лекин хурсандчилигим узоққа чўзилмади. Сабаби, иккала синфнинг ўқитувчиларига мурожаат қилдим-да:

— Ўқувчиларингиз бир-бирлари билан чиқишолмас эканлар, ҳеч бу ҳақда ўйлаб кўрдингларми, — деб сўрадим. Шунда 3-"А" синфи раҳбари бир болани чақириб:

— Уф, яна нима бўлди? — деди энсасини қотириб.

— Устоз, улар бизни масхара қилишди, кейин бизарам урдик, — деб жавоб берди, болакай соддалик билан.

— Жаям яхши бўпти, — деди ўқитувчи бепарво ва менга қараб кулиб қўйди. Ўзи ўша 3-"Б" синф жуда беодоб синф-да.

(Давоми 4-бетда)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК БОЛАЛАР АНДИЖОНДА

Yozgi ta'til—2001

Куни кеча Андижон диёри Қорақалпоғистон Республикасининг 524 нафар мактаб ўқувчиларини ўз бағрига олди. Бу болалар ёзги таътилнинг 18 кунини Андижон вилоятининг хушманзара жойларида ўтказиб, ҳордиқ чиқариш учун келдилар.

Қорақалпоғистонлик ёш меҳмонларни кутиб олиш катта тантанага айланиб кетди. Андижон шоҳ бекатида бўлиб ўтган болаларни кутиб олиш маросимида касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси А.Содиқов, вилоятдаги 30 та оромгоҳдан 9 тайёрлаб лар учун қўйилганлигини, улар ёзги таътилни кўнгилдагидай ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё этилганлиги тўғрисида гапирди. Жамоатчилик номидан меҳмонларни вилоят рус миллий маданий маркази раҳбари П.Волков қутлади. Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳридаги 30-ўрта мактаб 7-синф ўқувчиси Азиза Жуманиёзова самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг меҳмонлар тайёрлаб қўйилган автобусларда оромгоҳларга жўнаб кетдилар.

— Андижоннинг ҳамма гўшаси бирдек гулга бурканибди, — деди Хўжайли шаҳар спорт мактаби муаллимаси Гулай Оллоёрова. — Шундай юртда яшашнинг ўзи бахт. Дам олиш баҳона андижонликлардан кўп нарса ўрганадиган бўлдик.

Қорақалпоғистонлик ўқувчилар Андижонда таътилнинг илк кунларини жуда мароқли ўтказдилар.

О.СИДДИҚОВ

Инсон интеллектуал салоҳияти жамият такомили ва унда амалга оширилаётган ҳар қандай ислоҳот муваффақиятини таъминлайди. Инсон омили муаммосини атрофлича ўрганиш шу боисдан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Халқимиз ижтимоий ҳаётидаги янгиланишлар аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлиги билан характерлидир. Ва шу тамойиллар асосида "инсон-жамият-давлат" муносабатлари қарор топмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар сабаб комил инсон шахсини шакллантириш, юксак маданиятли, маърифатли, баркамол авлодни вояга етказиш эҳтиёжи тобора кучайиб бормоқда.

Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин".

Бунинг учун, энг аввало, инсон шахсининг моҳиятини англамоғимиз, уни тўлалигича тасаввур этмоғимиз даркор. Айниқса, мустақил фикрловчи эркин инсон шахсини шакллантириш зарурлигини, унинг энг муҳим ижтимоий хислатлари ва фазилатларини билиш муҳим.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзи ўзгариши, янги-янги соҳаларнинг пайдо бўлиши, илғор технологиялар жорий этилиши туфайли Ўзбекистонда инсон ҳаётидаги қуйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлари яққол кузатиш мумкин:

—ҳаётга янгича тамойиллар асосида қарашнинг шаклланиши;

—инсон барча ижтимоий жабҳанинг фаол субъектига айланиб бораётганлиги;

—жамият демократлашуви натижасида инсоннинг бошқариш жараёнидаги фаоллиги сезиларли даражада ортаётганлиги.

Мустақиллик шароитида инсонга ғамхўрлик қилиш даражаси ошиб бориши оқибатида унинг интеллектуал салоҳияти юксалиб, ақл-заковати теранлашиб, ўзлигини англаши ва намоён этиши қирралари кенгайиб бормоқда. Инсон ҳамиша ишлаб чиқариш, уни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг бош омили бўлиб келган. Ҳозирги шароитда яъни, бозор муносабатлари даврида инсоннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни, унинг вазифаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Жамиятни инсонийлаштириш — унда инсонга мос бўлган барча шарт-шароитларни яратиш демак. Айнан шунинг учун ҳам, бозор муносабатларини ривожлантиришнинг энг муҳим ва энг мураккаб бўлган муаммоларидан бири — жамиятни инсонийлаштиришнинг объектив зарурлигидир.

Бундай заруриятни икки омил тақозо этади... Биринчидан, жамият тараққиёти, ижтимоий турмуш даражаси, маданий савия ўсиши натижасида инсонларнинг туркум эҳтиёжлари пайдо бўлиши ва мунтазам равишда ўсиб бориши. Иккинчидан, маҳсулот (иш, хизмат) сифатининг юқори бўлишини таъминлаш учун ходимларга тегишли шарт-шароит ва муҳит яратиш.

"ИНСОН-ЖАМИЯТ-ДАВЛАТ" МУНОСАБАТЛАРИДАГИ УЙҒУНЛИК – РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

(Давоми 3-бетда)

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сурхондарё вилояти ғаллакорларига давлатга 224 минг 500 тонна ғалла ва беш ярим минг тоннадан зиёд уруғлик дон сотиб, шартнома режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажарганлари муносабати билан табрик йўллади.

• Ўзбекистон Олий Мажлисида Барт Стасс раҳбарлигидаги Европа Парламентининг Марказий Осиё давлатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегация билан учрашув ва "Ўзбекистон-Европа Иттифоқи" Парламент ҳамкорлиги қўмитасининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

• Ушбу ҳафтада Яқин Шарқ давлатлари бўйлаб сафарга чиққан БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил ва Фаластин раҳбарлари билан музокаралар олиб борди.

• Швециянинг Гётебург шаҳрида Европа Иттифоқининг навбатдаги саммити бўлиб ўтаётган пайтда содир бўлган тартибсизликлар натижасида 500 киши ҳибсга олинди.

• Ҳиндистонда халқаро террорчи Усама Бин Ладеннинг икки нафар айғоқчиси АҚШ элчихонасини портлатишда гумон қилиниб, қўлга олинган.

• Озарбайжонда Каспий ҳавзасига кирувчи Россия, Эрон, Озарбайжон, Туркманистон ва Қозоғистон давлатлари ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари денгизни ўзаро тақсимлаб олиш масаласида музокара олиб борди.

Юртбошимизнинг **"Сизларнинг номингиз беқиёс янгиланишлар жараёнининг муҳим босқичидан шаҳодат бўлиб, буюк давлат қуришга интилаётган озод ва обод Ватанимизнинг янгитдан ёзилаётган тарихи саҳифаларида жой олиши шубҳасиз"**, *деган эътирофлари вужудимда қандайдир юксак масъулият ҳиссини уйғотди.*

Тошкент шаҳридаги бир қанча банклар, солиқ қўмиталари, миллий хавфсизлик хизмати, ҳокимиятлар сўров хатлари асосида 60 нафар битирувчилар ўз иш фаолиятларини ўша жойларда бошлайдилар.

ЮКСАК ДОВОНЛАР БЎСАҒАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунга келиб, истиқлол берган имконият туфайли оддий қишлоқ муаллимаси ҳам қатор халқаро кўриктанловларнинг ғолиби бўлиб келмоқда. Жумладан, у 1999-2001 йилларда, қаторасига уч йил мобайнида Таълим ва тил ўргатиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти — АКСЕЛСнинг "Ўқитишдаги аълочилик" дастурида қатнашиб, нуфузли ҳакамлар томонидан ғолиб, деб топилди. Натижада, Ҳ. Мустафоқулова хизмат қилаётган Жиззах туманидаги 28-мактаб жамоаси ҳар бири икки минг АҚШ долла-

МАКТАБИГА КОМПЬЮТЕР ОЛИБ БЕРГАН МУАЛЛИМА

ри қийматидаги иккита компьютер, битта нусха кўчириш аппарати билан тақдирланди. Ҳулкаройнинг ўзи эса уч марта ҳар бир тўплами икки юз АҚШ доллари қийматидаги қимматбаҳо дарсликлар, ўқувметодик адабиётлар билан мукофотланди.

Бундан ташқари у "Устоз" жамғармасининг Грант совриндори сифатида ўтган йили Канадага сафар қилди.

Ҳозирги кунларда ҳам ўқитувчи ўз устида ишлашдан тўхтагани йўқ. У Республика Таълим марказининг тавсиясига кўра, кичкинтойларимизга инглиз тилини ўргатиш бўйича дастур ва дарслик яратиш борасида тинмай изланиш олиб бормоқда.

Муаллима яратган кўргазмали қуролларнинг ўзи бир дунё. Буларнинг барчаси келажагимиз эртаси бўлган фарзандларимиз камолоти йўлида амалга оширган бир инсоннинг эзгу ишларидир.

Яна бир қувончли воқеа, Ҳулкар Мустафоқулова республика ўқитувчиларининг биринчи анжуманига ҳам вакил этиб сайланди. Анжуманда мана шундай илғор педагогларнинг фаол иштироки анжуман ишига ижобий таъсир этиши, шубҳасиздир.

Шавкат ЁҚУБОВ
Жиззах шаҳри

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртбошимизнинг **"Сизларнинг номингиз беқиёс янгиланишлар жараёнининг муҳим босқичидан шаҳодат бўлиб, буюк давлат қуришга интилаётган озод ва обод Ватанимизнинг янгитдан ёзилаётган тарихи саҳифаларида жой олиши шубҳасиз"**, деган эътирофлари вужудимда қандайдир юксак масъулият ҳиссини уйғотди. Келгусида Ўзбекистондек буюк давлатнинг муносиб вориси бўлиш йўлида барча имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Олимжон ХОЛМУРОДОВ, коллеж ўқитувчиси:

— Бу йил 25 нафар талаба компьютер мутахассислиги бўйича биринчи бор коллежимиз дипломини олиб, турли соҳаларга йўл олишади. Қувончли томони шундаки, битирувчиларимизга банк ва солиқ идораларига ҳозирданоқ талабгорлар чиқмоқда. Биз, ҳукуматимиз томонидан коллежларга катта эътибор қаратиб, энг сўнгги русумдаги замонавий жиҳозлар билан таъминлаётганлиги учун миннатдормиз. Яқиндагина коллежимизга "Pentium-III" маркали компьютер синфи олиб келиб ўрнатилди. Халқаро интернет тармоғига уландик. Президентимиз айтганларидек, **"Улуғ мақсадларимизнинг ширин меваси, олижаноб интилишларимизнинг илк нишонаси"** бўлмиш бугунги илк битирувчиларимиз келгусида турли соҳалардаги етук мутахассислар бўлишади, деган умиддаман.

Шаҳноза ЯҲЁЕВА, Наманган тумани қишлоқ хўжалик коллежи битирувчиси:

— Мен коллежни фермерўсимликшунос мутахассислиги бўйича битирдим. Уч йил давомида малакали устозларимдан барча фанлар бўйича чуқур билим олиш билан бирга, ўз касбимнинг ҳам барча сир-асрорларини мукаммал ўргандим, деб ўйлайман. Бундан ташқари, коллежда инглиз тилида сўзлашишни ва компьютерда бемалол ишлашни пухта ўргандим. Зеро, бундай талабни давр ҳам тақозо этмоқда.

Дилшод ҚАЮМОВ, НамДУ қошидаги академик лицейнинг ўқитувчиси:

— Таълимнинг янгича ўзбек модели ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Буни бу йилги биринчи битирувчиларимиз тимсолида кўрсак бўлади.

Ўқувчи-талабаларимизга уч йил давомида Миллий дастур талаблари асосида чуқур, мукаммал билим олиб, ўз билимларини нафақат республикамизда, балки жаҳон олимпиадаларида ҳам намойиш этишга имконият яратилаяпти.

Азима СОЛИБОЕВА, Наманган вилоятидан, ҳамшира:

— Бу йил мустақиллигимизнинг қутлуғ 10 йиллиги байрамини бизнинг оиламизда қўшалоқ байрам сифатида нишонламоқдамиз. Чунки фарзандимиз Отабек Саматов мустақиллик шарофати билан ташкил этилган Наманган Давлат университети қошидаги академик лицейни битиради. Ўғлимизнинг ниятлари улуғ, институтда ўқишни давом эттириб, она-Ватан бахт-саодати, равнақи йўлида меҳнат қилишдир. Иншоолloҳ, ниятига етсин.

Абдуғаффор ХОЛИҚУЛОВ, Ангрен шаҳридан, хусусий тадбиркор:

— Бизнинг ёшлигимизда бундай шарт-шароитлар йўқ эди. Замонавий ахборот воситалари бир ёқда турсину компьютер нималигини ҳатто олийгоҳдаям кўрмаганмиз. Ҳозир эса, фарзандларимиз учун яратилаётган имкониятларнинг бундан юқориси бўлмаса керак. Бундай биноларда таҳсил олаётган фарзандларимизнинг фикрлаш доираси ҳам кенгайиб бораётганлиги сезилмоқда.

Биз, ўзбекларда, тўнғич фарзанд билан кўп нарсани боғлашади. Чунки, у ўзидан кейинги ука-сингилларини эргаштиради, қолаверса, уларни ҳам ўзи каби билим олишга даъват этади. Тўнғич ўғлим Абдуҳалил бу йил лицейни муваффақият билан тугатиб, олийгоҳга кириш ниятида. Президентимиз табригида таъкидланганидек, **"...фарзандларимиз олдида янги-янги имкониятлар, қанчадан-қанча зафарлар билан бирга не-не синовлар, юксак довонлар, мураккаб ва шарафли йўллар кутмоқда".** Тилагим — ушбу синовлару довонлардан ёшларимиз зафар чекса-да, муваффақиятли ўтсин, зеро, бунинг учун мамлакатимизда барча шароитлар мавжуд.

Динара ҲАЛИМОВА, Тошкент электротехника-алоқа институти битирувчиси:

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ёшларнинг билим олишларига катта ва чексиз имкониятлар яратилаётганига гувоҳмиз. Ўқув юртларининг нафақат ташқи, балки ички мазмун билан бойитилиши ўқувчи ва талабалар дунёқарашини кескин оширмоқда.

Хусусан, ўзим таълим олган Тошкент электротехника-алоқа институтида яратилган шарт-шароитлардан мамнунман. Биринчи босқич талабалигидан то сўнггисига қадар синов дафтарчам фақат "аъло" баҳолар билан тўлди. "Сорос" фонди орқали Будапештда жойлашган Марказий Европа университетига ўз таклифларимни жўнатдим. Улардан ижобий жавоб олдим.

Битирув ишлари, имтиҳонларни топшираётган пайтимизда Президентимизнинг бизга қарата айтган самимий тилаклари ва ишончлари, ёшлар учун шунчалик ғамхўрлик кўрсатаётганликлари бизни фақат ютуқларга эришишимизга, ўз фаоллигимизни янада оширишимизга руҳлантирди. Институтнинг "Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари" факультети бакалаврлик босқичини имтиёзли диплом билан тугатаётганим менинг катта ютуғимдир.

Гулноза ҚУРБОНОВА, Самарқанд Давлат университети биология факультети магистранти:

— 1999 йилда магистратура босқичига талабаликка қабул қилинганимда, унинг қандай таълим эканлиги ҳақида тасаввурга эга эмасдим. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг етук, малакали, пухта, билимдон, тадбиркор кадрлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигига, мана энди тўлиқ амин бўлдим. Табрик мактуби мен каби минглаб ёшларнинг ҳаётга, илм олишга муҳаббатини янада оширди. Илк магистратура битирувчилари сифатида биз бу табрикни умримиз мобайнида хотирлаб юрамиз.

Ботаника фани бўйича эгаллаган билимларим, албатта, етарли эмас. Бинобарин, пайғамбаримиз таъкидлаганларки — "Бешикдан то қабргача илм ўрган".

Диплом қўлимга тегадиган кунлар саноқли. Менга билим ва малака берган университет ўқитувчи, мураббийларига ҳамиша таъзимда бўлиб қоламан.

Улуғбек ҚУРБОНОВ — Тошкент Давлат авиация институти магистранти:

— Мен ва менинг бошқа тенгдошларим илк магистр деган номга сазовор бўлишмоқда. Юртбошимизнинг бизга йўллаган табрик хатларини матбуотда ўқиб, ниҳоясиз ғамхўрлик кўрсатилаётганига яна бир карра амин бўлдим. Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшишда биз ўз ўрнимизни эгаллаб олишимиз керак.

Маълумотларга қараганда, қўшни давлатларга нисбатан таълим соҳасига бизда энг кўп маблағ ажратилади. Бу, аввало, шахсан Президентимизнинг кадрлар Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан ривожланишини таъминлашда муҳим омил, деган фикри ва ғоясига содиқлигидандир. Шунга яраша ёшлар ҳам ўз билимини кенгайтириб боришлари, фаол бўлишлари лозим.

Институт авиасозлик мутахассислиги магистратура босқичини тамомладим. Ҳозир ўйл бошида турибман. Бу соҳадаги илмий фаолиятни давом эттириш ниятим йўқ эмас. Билим олиш учун яратиб қўйилган шароит ва имкониятлар мени шунга ундамоқда.

Мурод ХУДОЙБЕРГАНОВ, Яккасарой туманидан, муҳандис-технолог:

— Корхоналарнинг бирида муҳандис-технолог бўлиб ишлайман. Бу йил қизим Муқаддас 9-синфни битирди. Энди унинг олдида иккита йўл турибди — академик лицей ёки касб-ҳунар коллежини танлайди. Бунга Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" кафолат беради.

Ҳозирча қизим коллежга кириб ўқиш ниятида. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига" йўллаган самимий табриги, бу масканлар ўғил-қизларига алоҳида эътибор билан қараётгани қизимнинг фикрини янада қатъийлаштирди. Қисқаси, ҳозирги ёшлар давлатимиз яратаётган имкониятлардан имкони борича кенг фойдаланишлари керак.

О.СИДДИҚОВ, Н. ШЕРБОЕВ, К. ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Н. УСМОНОВ, Ҳ.ТЎЙМАНОВА, Қ. МАТҚУРБОНОВлар тайёрладилар

БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН ҚУТАДИ!

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида мамлакатимиз олий ўқув юртларида 100 дан ортиқ фан бўйича ўтказилаётган республика талабалар олимпиадаси ғолиблари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев йиғилганларга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг магистратура, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига табригини ўқиб эшиттирди. У бугунги кунда "давлат" сўзи ёшларимиз учун мавҳум эмаслигини қайд этди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уни жамиятимизни тўлиқ янгилаш каби буюк мақсадга муносиб этиб тарбиялаш мамлакат раҳбариятининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Давлатимиз биринчи галда инсон, шахс тарбиясига катта сармоя сарфламоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳам ушбу мақсадга қаратилган. Бунинг самараси ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда. Мустақил фикрловчи, аниқ ҳаётий мақсадга эга бўлган, ўз қобилияти ва билимларини Ватан тараққиёти йўлида бахшида этишга тайёр янги авлод вояга етмоқда.

Тошкент давлат техника университетининг 4 курс талабаси М.Эгамназаров, Ёш олимлар миллий жамияти раиси Э.Каримов ва бошқа сўзга чиққанлар бугунги олий ўқув юртлари, лицейлар ва коллежларнинг кўпчилик битирувчилари таҳсил олиш даврида мустаҳкам билим ва касбга эга бўлишганини таъкидлашди.

Ҳар бир ёш мутахассис олдида халқимиз 10 йил аввал бошлаган демократик ҳуқуқий давлат, маънавият ва миллий истиқлол ғоясига асосланган жамият қуриш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш вазифаси турибди.

А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири

МУТАХАССИСЛАР АУКЦИОНИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти битирувчи бакалавр ва магистрларининг анъанавий тақдимот маросимида "Ўзенгилсаноат", "Ўзбек ипаги", "Ўзбекпахтасаноатсотиш", "Ўзбекчармпойафзал" уюшмалари кадрлар ва бўлим бошликлари, "Тоштўқимачи", "Тоштўқимаш" ва 20 дан ортиқ қўшма, кичик, хусусий корхона вакиллари иштирок этишди.

352 нафар бакалавр ва 78 магистрнинг 167 нафари "Ўзенгилсаноат" корхоналарига, 100 нафари "Ўзпахтасаноатсотиш" корхоналарига, 52 нафари хусусий, кичик корхона ва фирмаларга, 31 нафари "Ўзбек ипаги" корхонала-

Ta'lim va bozor iqtisodiyoti

рига, 16 нафари "Шарқ" нашриёт-матбаа Давлат акциядорлик компаниясига, 6 нафари эса пойафзал фабрикаларига иш жойларига тайинланди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги бир қанча банклар, солиқ қўмиталари, миллий хавфсизлик хизмати, ҳокимиятлар сўров хатлари асосида 60 нафар битирувчилар ўз иш фаолиятларини ўша жойларда бошлайдилар. Шундай қилиб, барча битирувчи (бакалавр ва магистр)лар 100 фоиз иш билан таъминланди.

Аукционни ўтказишдан асосий мақсад барча битирувчиларни давлат корхоналарига, қолганларини эса шартнома асосида ва сўров хати бўйича кичик, хусусий ва қўшма корхоналарда иш билан таъминлашдир.

Мухбиримиз тайёрлади

САВОЛ: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Қопқон кўчаси 81-уйда яшовчи Зайнаб Жалиловадан:

1. Хотин-қиз ўқитувчилар пенсияга неча ёшдан чиқарилади? Болалар сони ҳам ҳисобга олинадими? 2. Ўқитувчиларнинг меҳнат таътилидаги маоши қандай ҳисобланади? Даромад солиғи қандай ушланади?

ЖАВОБ: 1. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига: эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда (имтиёзли шартлардаги пенсия олиш ҳуқуқига)эга бўладилар:

— Умумий белгиланган ёши 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати;

— беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар — болани парваришлаш учун кетган

Ma'rifat маслаҳатхонаси

вақтни қўшиб ҳисоблаганда иш стажи камида 20 йил бўлса ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилганда иш стажи камида 15 йил бўлган тақдирда;

— ўқитувчилар ва бошқа педагог ходимлар махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм).

2. Меҳнаткашларнинг меҳнат таътилидаги маоши йил давомида олинган маошлардан олинадиган даромад солиғи: 1 — энг кам иш ҳақининг 4 баробаригача 12%; 2 — 4 энг кам иш ҳақининг 8 баробаригача 25%; 3 — 8 энг кам иш ҳақидан юқори 36% дир. Ўқитувчилардан ҳам шу тартибда даромад солиғи олинади. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 1 мартгача меҳнат қилиш шароитлари алоҳида зарарли бўлган ишлаб чиқаришларда ишлайдиган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар учун солиқ олишнинг имтиёзли тартиби белгиланган фуқароларнинг айрим тоифалари рўйхатини (бу рўйхатда ўқитувчилар ҳам бор) улар даромадларининг ушлаб қолинадиган даражаси 25 фоиздан ошмаслигини назарда тутган ҳолда тасдиқлаган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 1 март №72 Фармони).

Й.АҲМЕДОВ, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

D(d) ВА T(t) УНДОШЛАРИ

7-дарс

D ҳарфининг босма катта шакли кирилл ҳамда лотин ёзувларига асосланган аксарият алифболарда бир хил кўринишга эга. Шунинг учун бу ҳарфнинг ёзма шаклини ёзишда ҳам қийинчилик сезмайсиз. Аммо **D** ҳарфининг кичик кўриниши кирилл алифбосидаги муқобилидан анча фарқ қилади, яъни о шаклга уланма қисми сатр чизиғидан пастга эмас, балки юқорига қараб чўзилган тарзда d шаклида ёзилади. Демак, бу ҳарфнинг кирилл ва лотин ёзувидаги алифболардаги муносабати қуйидаги кўринишда бўлади: **Д=D, д=d.**

D(d) ҳарфи ўзбек тилида тилнинг олд қисмида ҳосил бўладиган, жарангли тарзда талаффуз қилинадиган портловчи товушни ифодалаш учун қўлланади. Сўз ўзаги ва кўпгина қўшимчалар таркибида ўта фаол учраши билан ажралиб туради. Масалан: **дона — dona, одоб — odob, гавда — gavda, моддада — moddada, додлади — dodladi** каби.

D ундоши сўз охирида n (кирилл ёзувида н) ҳарфидан олдин келган ҳолатларда, хусусан, бундай сўзларга қўшимчалар қўшилганда **d** ҳарфи талаффуз этилмаса ҳам доимо ёзилиши кераклигини унутманг.

Қаранг: **payvand > payvanchi > payvandchi, xursand > xursanchilik > xursandchilik.**

D(d) ундоши айтилиши ва имлосига кўра ўзининг жарангсиз жуфти ҳисобланган **T(t)** ундоши билан яқин муносабатга эга. **T** ҳарфининг босма катта шакли сизга яхши таниш, бундай кўриниши жиҳатидан кирилл ёзувидаги белгининг айнан такрори дейиш мумкин. Аммо ёзма катта шакли кириллчадаги ёзилишига ўхшамайди, яъни учта тик чизиқча ўрнида биттасинигина ёзиш билан кифояланамиз. Бошқача айтганда, кирилл ёзувида одатланганимиз катта **Г** ҳарфининг ёзма шакли лотин ёзувидаги **T** нинг ёзма катта шаклини ифодалайди.

Ёзиб кўринг: **Туркистон— Turkiston, Амир Темур — Amir Temur каби.**

T(t) ҳарфининг лотин ёзувидаги босма кичик шакли кирилл алифбосидаги муқобилидан кескин фарқ қилади. Қиёсланг: **T=t t** ҳарфининг ёзма шакли ва босма шакли деярли бир хил кўринишда бўлиб, сатр чизиғининг устига олдин тик чизиқ тортиб, сўнгра унинг ўртадан юқорироқ қисмига ётиқ қисқа чизиқча чизиш билан ҳосил қилинади. Ёзиб кўринг: **tana, o'ttiz, tort, xat.**

T(t) ундоши **D(d)**дан фақат жарангсиз товушни ифодалаши билан фарқ қилади. Тилнинг олд қисми танглайга қаттиқ жипслашиши натижасида ҳаво оқимининг зарб билан портлаб чиқиши шовқинни ҳосил қилади ва **t** ундоши шовқин туфайли жарангсиз товуш тарзида айтилади. Бу ундошнинг талаффузда тилнинг кучли ҳаракати талаб қилинади, бу жараёнда ҳам инсон тежамкорликка интиладики, буни сўз охирида келган **t** ундошининг талаффузида кўпинча тушиб қолдирилишида кўрамиз. Аммо тўғри шаклда аслига мувофиқ ёзишимиз лозим. Масалан: **do'st>do's, go'sht>go'sh, daraxt>darax** каби.

T ундоши билан тугайдиган сўзларга қўшимчалар қўшилганда ҳам жонли нутқда **t** товуши деярли айтилмайди, бироқ буни имлода акс эттириш хато ҳисобланади, яъни ҳар қайси ҳолатда ҳам **t** ёзилиши кераклигини унутманг. Эътибор беринг: **do'slik > do'stlik, dasro'mol > dastro'mol, idealis-ga > idealistga, alpinisni > alpinistni.**

T(t) ундоши сўзлашув нутқида юқорида кўрганимиздек, тушиб қолишидан ташқари, ўзига ўхшаш бўлмаган товуш тарзида ҳам айтилиши учрайди. Масалан: охири **t** ундоши билан тугаган сўзларга **ch** (кириллча — **ч**) билан бошланувчи қўшимчалар қўшилганда **t** товуши ch га айланади, аммо бу ҳолатда ҳам **t** ёзилиши имлога мувофиқ шартдир: **yigit + cha > yigichcha > yigitcha, uyat + chan > uyachchan > uyatchan каби.**

Шу жиҳатдан **D(d)** ва **T(t)**ундошларининг айтилиши ва ёзилишида айрим фарқлар борки, бу муносабатни лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида ёзилган матнларни ўқишда, ёзишда эътиборга олиш лозим бўлади.

Абдурозиқ РАФИЕВ, филология фанлари номзоди, доцент

(Давоми бор)

Бухоро вилоятида кўп вилоятлар сингари, ўзбек мактаблари билан бир қаторда рус тилида олиб бориладиган таълим муассасалари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шаҳардаги 13-ўрта мактабда 7 йилдан бери русийзабон синфларга давлат тилидан дарс бериб келаётган муаллима Жамила Мадрасулованинг сабоқлари таъсирли ва мазмунлидир. Унинг ташаббуси билан мактабда қўғирчоқ театри ташкил қилинган.

Жамила Мадрасулова 10 дан ортиқ эртак ва саҳна кўринишлари қўйиб, болаларга ўзбек тилини ўргатмоқда.

Суратда: Ж.Мадрасулова машғулот пайтида.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ:

Яқинда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилинганига тўрт йил тўлади. Ўтган давр мобайнида дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Мазкур таҳлилимизда миллий дастур ва унинг ўзаги бўлмиш миллий моделни амалга оширишда олиб борилаётган илмий изланишларнинг аҳволи ҳамда истиқболдаги вазифалар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифаларини муваффақиятли бажариш, авваламбор — Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг моҳиятини илмий жиҳатдан чуқур англаш, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичидаги ўқув жараённи тааллуқли илмий-услубий қўлланмалар билан ўз вақтида таъминлашга боғлиқ.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" илм-фан олдига узоқ муддатга мўлжалланган аниқ стратегик вазифалар қўйган. Бундай вазифалар сирасига, биринчи навбатда, Миллий моделни ва унинг ташкил этувчиларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш, шунингдек, илмий-услубий, ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик, тарихий-фалсафий ва шу каби муаммоларни ҳал қилишнинг бутун бир мажмуаси киради.

Миллий моделни ўрганишда илмий тадқиқотларнинг янги босқичга кўтарилган вазиятида қуйидаги ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади:

— фундаментал тадқиқотларнинг устуворлигига эришиш;

— илмий-назарий тадқиқотларнинг фанлараро бўлишини ва амалиётга қаратилишини таъминлаш;

— кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий ва психологик-педагогик жараёнлар ва ҳодисаларни илмий изланишда ҳар томонлама, системали ўрганишга эришиш;

— узлуксиз таълим тизимида илмий тадқиқотларни ишончли, объектив бўлишида юксак технологиялар қўлланилиши ва шу кабилар.

Юқорида таъкидланган ёндашувларнинг



илмий тадқиқотларда қўлланилиши қуйидагиларни кўзда тутади.

Биринчи. Кадрлар тайёрлаш миллий модели — "Ислом Каримов модели"ни бир бутун тўлиқ ҳолда илмий ўрганиш талаб қилинади. Бунда, албатта, мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитга мос бўлган ўзаро боғлиқ ҳаракатдаги Миллий модел компонентларини биргаликда таҳлил қилиш лозим. Зеро, таълим тизимини ҳам мазмунан, ҳам ташкилий жиҳатдан яхлит, узлуксиз ва изчил жараён деб қараш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу фикрларни амалиётга қўллайдиган бўлсак, давлат таълим стандарт (ДТС)лари ва талабларининг илмийлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш жуда муҳимдир. Содда қилиб айтадиган бўлсак, мактабгача таълимдан тортиб доимий равишда кадрларнинг малакасини оширишгача бўлган узлуксиз жараённи тўлиқ қамраб олиш зарур.

Ислоҳотлар ўтказилиши мобайнида ДТСларини ишлаб чиқишда, тажриба-синовдан ўтказишда ва жорий қилишда олимлар, услубчилар ҳамда амалиётчилар ҳамкорлигининг ижобий тажрибаси тўпланди. Навбатдаги вазифамиз эса тасдиқланган умумий ўрта таълим ДТСларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим билан узвийлиги ва узлуксизлигини тўлиқ таъминлашга эришишдир. Шу билан бирга тасдиқланган ДТСларининг мазмунига жамиятнинг жадал суръатларда тараққий топаётганлиги боис, илмий баҳо бериш асосида муҳим ўзгаришларни киритиб боришимиз зарур бўлади.

Иккинчи. Миллий моделни ташкил этувчи компонентларининг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш лозим. Негаки, ташкил этувчиларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳар бирининг ўз ўрни, жойи ва таъсири жумладан, ташқи омиллар билан боғлиқлиги Миллий моделнинг амалга оширилишида таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга бевосита таъсир қилишига эътибор қаратилиши лозим.

Ташкил этувчиларнинг **ўзаро боғлиқлик ва таъсири деганда нимани тушунмоқ керак?** Бу, авваламбор, илм-фан, ишлаб чиқариш, узлуксиз таълим тизими, давлат ва жамият каби компонентларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирган ҳолда баркамол шахсни тарбиялаш жараёнида ўз вазифасини тўлақонли бажаришидир. Ташқи таъсир ва акс таъсир деганда эса мустақилликдан кейин жамиятимизда шаклланаётган янги қадриятлар — эркинлик, мустақиллик, ҳуқуқ, миллий истиқлол ғояси, урф-одат ва кўпгина анъаналарнинг тикланиши, янги маъно, тус олиши, уларнинг таълим тизимига бўлган таъсири ва ўз навбатида, таълим тизимининг шу каби қадриятларнинг шаклланишидаги ўрнини тушуниш мумкин.

"WORLDDIDAC"нинг тўлиқ аъзоси сифатида "Эл" ОТҲЖ 2001 йил ноябрь ойида Шанхай шаҳри (Хитой)да бўлиб ўтадиган таълим ва ўқитиш бўйича халқаро кўргазмада қатнашади.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказларининг фаолият юритишлари учун зарур илмий-услубий ҳужжатлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кун тартибидаги долзарб масаладир.

МУЛОҚОТГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

OTB loyihasining mahalliy afzalliklari

Ўзбекистонга Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) томонидан "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳасини жорий қилиш учун кредит ажратилди ва унинг маълум бир қисми ушбу тизимдаги янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан 45 тасини жиҳозлаш мақсадида ўқув-лаборатория асбоб-ускуналарини харид қилиш учун сарфланиши кўзланмоқда. Хорижий фирмалар билан бир қаторда Самарқанддаги "Эл" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳам таълим муассасаларининг кимё, физика, биология ва астрономия хоналарини жиҳозлаш учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналарини етказиб бериш бўйича ўтказилаётган халқаро рақобатли бозорларда қатнашмоқда.

Ана шу мақсадда биз умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг иш тажрибасига мурожаат қилмоқдамиз. Бундан асосий мақсад сизларнинг касбий тажриба ва маҳоратларингизга суянган ҳолда ОТБ кредити доирасидаги кўргазмага қўйилажак ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва кўргазмали қўлланмаларимизнинг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига тўлиқ мос келишига эришмоқчимиз.

Қўлингиздаги мақола бизнинг таълим технологиялари соҳасидаги режаларимизга бағишланган туркум мақолаларимиздан биринчисидир. Мазкур чиқишдан асосий мақсадимиз ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдир. Бизга сизларнинг "Эл" ОТҲЖда айни пайтда тайёрланаётган ҳамда яқин 3 йил давомида ишлаб чиқарилиши кўзланаётган маҳсулотлар бўйича тақризларингиз жудаям муҳим. Ҳозирги кунда асосий фаолиятимиз ўқитишнинг анъанавий воситаларини, яъни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, анжомлар, ўқув мебели ва кўргазмали қўлланмаларни ишлаб чиқаришга бағишланган.

Яна шуни маълум қиламизки, "Эл" ОТҲЖ инновацион ишлаб чиқариш фаолиятини 1988 йилдан бошлаган. 1997 йилдан физика, кимё, биология ва астрономия хоналари учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, жиҳозлар ва кўргазмали қўлланмалар, шунингдек, бошқа фанлар бўйича ҳам кўргазмали қўлланмалар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга ихтисослашди.

"Эл" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли 140 та мактабнинг кимё фани махсус хоналарини, 1999 йилда эса Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ЎМКҲТ Маркази тасарруфидаги янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан 185 тасининг кимё ва физика хоналарини ўқув маҳсулотлари билан жиҳозлади.

2000 йилдан "Эл" очиқ ҳиссадорлик жамияти "WORLDDIDAC" таълим материалларини чоп этувчи, ишлаб чиқарувчи ва дистрибьюторларнинг Бутунжаҳон Ассоциациясига (Швейцария. Берн) аъзо бўлди. Шу ўринда мазкур халқаро ассоциациянинг жаҳон бўйича 300 тадан ортиқ етакчи корхоналарни бирлаштиришини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Яна шуни маълум қиламизки, "WORLDDIDAC"нинг тўлиқ аъзоси сифатида "Эл" ОТҲЖ 2001 йил ноябрь ойида Шанхай шаҳри (Хитой)да бўлиб ўтадиган таълим ва ўқитиш бўйича халқаро кўргазмада қатнашади.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда давр талабларидан келиб чиққан ҳолда "Эл" жамияти аъзолари ўзларида тайёрланаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш борасида доимий изланишлар олиб боришмоқда. Бунга мисол тариқасида 1999 йилда 12 та, 2000 йилда 34 та, 2001 йилнинг биринчи ярмисида 92 та номда маҳсулот тайёрланди. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар рўйхати янги ўқув дастурлари ва давлат таълим стандартлари талабларига мос равишда тузилганлиги билан эътиборлидир.

Янги анжомлар ва кўргазмали қўлланмалар муаллифлари ва ишлаб чиқарувчи мутахассислар қаторида мактаб, лицей ва коллежларнинг оддий ўқитувчилари борлиги қувончли ҳолдир. Уларнинг иштирокида муаллифлик ҳуқуқлари билан ҳимояланган 6 номдаги маҳсулот ишлаб чиқилиб, жорий қилинди.

Ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув қўлланмалари, анжомлар ва ўқитишнинг бошқа воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган фаолиятимиз йўналишидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг кенг оммаси ўзларининг иш фаолиятида бизнинг маҳсулотларимиздан бевосита фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам бизга маҳсулотларимиз ҳақида амалиётчи ўқитувчиларнинг тақризлари, фикр-мулоҳазалари жудаям муҳимдир. Зеро, бу жараён ассортиментларимизни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш билан боғлиқ таклифларни ўз вақтида ўрганишимизга замин яратади.

Қуйида сизларнинг эътиборингиз ва муҳокама қилишингиз учун физика ва астрономия хонасини жиҳозлаш бўйича айни кунда ишлаб чиқилган ва 2003 йилгача бўлган даврда тайёрланиши режалаштирилаётган ўқув маҳсулотларининг рўйхати берилаяпти.

Кейинги мақолаларда эса ана шундай рўйхатлар кимё ва биология хоналарини жиҳозлаш бўйича чоп этилади.

Биз муштарийларимиздан маҳсулотлар ассортименти ҳақида, уларнинг давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларига мос келиш-келмаслигига боғлиқ бўлган такриз, таклиф ва мулоҳазалар, шунингдек, ўқув-лабораториялари ва хоналарини бойитиш бўйича амалий таклифлар кутиб қоламиз.

ФИЗИКА ВА АСТРОНОМИЯ ХОНАСИ

"Эл" ОТҲЖнинг оммавий равишда ўзлаштириши режалаштирилаётган маҳсулотлар номлари

2001 йил

1. Физика хонаси учун махсус ўқув мебеллари мажмуаси
2. Физика хонаси учун электр асбоб-ускуналари мажмуаси
3. Лаборатория метрономи (қисқа вақт ораликларини билдирувчи асбоб)
4. Лаборатория секундомери
5. Лаборатория товушли генератори
6. Лаборатория товушли частотамери (частота ўлчайдиган асбоб)
7. Оптика бўйича лаборатория мажмуаси
8. Лаборатория паст частотали кучайтиргич
9. Лаборатория универсал таъминот манбаи
10. ТВ ва аудио режимли паст частотали кўргазмали генератор
11. Лаборатория муфель электропечи
12. Радиомонтажчи столи
13. Муфель печи учун стол
14. Тарозилар учун титрашга қарши стол
15. Кодоскоп экрани билан
16. Қуёш батареялари (фотоэлектрик ток манбаи)
17. Кўргазмали дифракцион панжаралар
18. Кўргазмали ўқув лазери
19. Лаборатория ўқув лазери
20. Лаборатория спектроскопи
21. Ўқув лаборатория микроскопи
22. Ўқув телескоп-рефрактори
23. Тўғри кўриш призмаси
24. Оптика клини
25. Уч қиррали призма
26. Тўрт қиррали призма
27. Лазер манбали лаборатория оптик асбоби
28. Лаборатория рақамли амперметри
29. Лаборатория рақамли вольтметри
30. Лаборатория рақамли милliамперметри
31. Лаборатория рақамли омметри
32. Лаборатория рақамли электрон термометри
33. Кўргазмали сургичли реостати
34. Лаборатория сургичли реостати
35. Тагликдаги диод
36. Панелдаги транзистор
37. Лаборатория резисторлари тўплами
38. Вакуумли, электропривод билан дам берувчи насос
39. Механика бўйича лаборатория асбоблари ва ускуналари мажмуаси
40. Лаборатория электрон тарозилари
41. Кўргазмали масштаб линейкаси
42. Кўргазмали ричаг-линейка
43. Кодоскоп экрани билан
44. Физика бўйича кўргазмали-услубий проекцион қўлланмалар

2002 йил

45. Тўлқинли жараёнлар проекцион модели
46. Двигателнинг проекцион модели
47. Физикадан ўқитиш дастурлари мажмуаси (шахсий компьютерлар учун CD-да)
48. Лаборатория оптик ўриндиғи қўшимча асбоблари билан
49. Фотометрия қонуниятларини ўрганиш учун лаборатория асбоби
50. Юлдузли осмон атласи
51. Қуёш системасининг проекцион модели
52. Фотоэффект ҳолатларини ўрганиш бўйича лаборатория тўплами
53. Ёруғлик интерференцияси бўйича тўплам
54. Ёруғликнинг қутбланиши бўйича тўплам
55. Линза ва кўзгулар тўплами
56. Кўргазмали телескоп- рефлектор (Ньютон телескопи)
57. Ғалтак-ўрам
58. Солиштирма қаршиликни аниқлаш учун лаборатория реохорди
59. Панелдаги лаборатория трансформаторлари
60. Қисмли йиғма лаборатория электромагнити
61. Ярим ўтказгичлар хусусиятларини ўрганиш учун лаборатория тўплами
62. Индуктивлик бўйича лаборатория ғалтаги
63. Электролиз бўйича лаборатория тўплами
64. Кўргазмали универсал трансформатор
65. Кўргазмали Томпсон ғалтаги
66. Тугмачали калит
67. Қаршиликлар магазини
68. Тўғри магнит
69. Тақасимон магнит
70. Ўтказгич қаршилигининг ҳароратга боғлиқлигини намойиш қилувчи асбоб
71. Поғонали реостат
72. Пишанг (ричаг) учун калит
73. Лаборатория конденсаторлари тўплами
74. Шиша таёқча
75. Эбонит таёқча
76. Изоляцияланган тутқичли латун найча
77. Изоляцияланган тутқичли пластинкалар
78. Изоляцияловчи штативлар
79. Электростатик маятниклар
80. Электр султон
81. Франклин ғилдираги
82. Электрон тўлқин машинаси
83. Турли массадаги маятниклар
84. Камертон резина болғачаси билан
85. Сирт таранглиги аниқловчи лаборатория динамометри
86. Автоматик лаборатория микропипеткаси
87. Архимед челакчаси
88. Лаборатория аквариуми
89. Қўлда ишлатиладиган ҳаво насоси
90. Кўргазмали чиғир
91. Кўргазмали винт
92. Осон ҳаракатланувчи аравача
93. Кристалл панжара модели
94. Спираль пружиналар
95. Ракета модели
96. Шамол двигатели модели
97. Физикадан рангли ламинациаланган (500x650 мм.) таблицалар (42 варақ)

2003 йил

98. "Табиатда физик жараёнлар ва ҳодисалар" видеокассеталар мажмуаси
99. Гейгер ҳисоблагичи
100. Детекторли радиоприёмник модели
101. Дросселли ғалтак
102. Кўргазмали термопара
103. Айланма токнинг магнит майдонини намойиш қилувчи модел
104. Магнит майдони индукцияси индикатори
105. Кўргазмали электр қўнғироқ
106. Магнит майдонида рамканинг айланишини намойиш қилувчи асбоб
107. Ленц қоидаларини намойиш этиш асбоби
108. Магнит-электр машинаси
109. Бир қутбли ва икки қутбли калитлар мажмуаси
110. Кўргазмали реохорд
111. Электродли ванна
112. Турли қаршиликларга чидамли кўргазмали симлар тўплами
113. Кўргазмали юқори вольтли ўзгартиргич
114. Конус шаклидаги кондуктор
115. Элекроскоп
116. Ускунали электрометр
117. Металлтўр (Кольбе)
118. Ҳаракатланувчи конденсатор
119. Электр майдонлари спектрлари асбоби
120. Конденсаторлар батареяси
121. Ўзгарувчан сиғимли кўргазма конденсатори
122. Электрсозлик бўйича лаборатория тўплами
123. Буғ турбина модели
124. Деформация турларини намойиш қилувчи асбоб
125. Кристалл панжаралар модели
126. Кўрғошин цилиндрлар
127. Капилляр найчалар тўплами
128. Броун ҳаракатини намойиш қилиш учун асбоб
129. Газ қонунларини ўрганиш учун асбоб
130. Йод кристалли колба
131. Шар ҳалқаси билан
132. Биметаллик пластинка
133. Суюқлик конвекциясини ўрганиш учун асбоб
134. Лаборатория иссиқлик қабул қилувчиси
135. Металларнинг иссиқлик сиғимларини намойиш этиш асбоби
136. Ички ёниш двигатели макети
137. Калориметрия учун жисмлар тўплами бор лаборатория калориметри
138. Сўриб олувчи ва дам берадиган насос модели
139. Суюқликлар оқими турларини намойиш этиш асбоби
140. Суюқликлар босимини намойиш этиш асбоби
141. Туташ идишлар
142. Кўргазмали очиқ манометр
143. Куч ҳаракатларининг мустаҳкамлигини намойиш этиш асбоби
144. Кучларнинг ўзаро таъсирини намойиш этиш асбоби
145. Чизмачилик воситалари мажмуаси
146. Кўргазмали микрометр модели
147. Кўргазмали сатҳ
148. Қайтарувчи идиш
149. Бир хил массадаги ҳамда бир хил ҳажмдаги жисмлар тўплами
150. Кўргазмали динамометр
151. Найсимон динамометр
152. Лаборатория блоклари тўплами
153. Полиспаст (юк кўтарувчи механизм)
154. Эгилувчан призма

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй
Факс/тел (3662) 31 03 74, тел 33 29 52
E-mail: elfirm@online.ru

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШГА ҚИЗИҚУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган Акмал Икромов академик лицейи 2001-2002 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Академик лицейга 9-синфни аъло ва яхши баҳоларга битирган, хорижий тилларни ўрганишга қизиқиши бор ўқувчилар қабул қилинади.

Академик лицейда юқори малакали инглиз, немис, француз, испан тили ўқитувчилари ҳозирги даврнинг энг илгор методикалари орқали талабаларга билим берадилар.

Ўқишга кирувчилар Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари зарур:

1. Белгиланган шаклдаги таълим муассасаси раҳбари номига ёзилган ариза.
2. Рейтинг бали кўрсатилган маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. Ҳудудий касб-ҳунарга йўналтирилиш ва психологик-педагогик ташхис маркази тавсияномаси (белгиланган шаклда).
4. Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома.
5. 086—У шаклдаги тиббий маълумотнома.
6. 3x4 см.ли 4 дона фотосурат.
7. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Чилонзор—11 даҳа, 61-уй. Тел.: 76-86-37, 76-86-78.

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ...

Булоқбоши тумани халқ таълими бўлими ўзининг хайрли ва ижодий ишлари билан вилоятдагина эмас, республикага ҳам танилган. Бўлимда ахборот-таҳририят маркази ташкил этилганига ҳам унча кўп вақт бўлгани йўқ. Марказ фаолиятининг асосий вазифаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган таълим тизимидаги янгиликларни таълим муассасалари ўртасида тарғиб қилиш билан бирга ўз фаолияти давомида янгилик яратаётган ижодкор ўқитувчилар иш тажрибаларининг матбуот, радио, телевидение орқали оммалаштиришдан иборат. Маржонлантиришда тиказ ишини туманда ресбир неча бор ларини публика анжуманзиш, ташкил қилиш, ўтка-

ўқитувчилар, ўқувчиларнинг дарсликлар муаллифлари, адабиётшунос олимлар билан жонли мулоқотини ўтказишда фидойилик қилган туман халқ таълими бўлими ўзбек тили ва адабиёти фани услубчиси Турғуной Мусаеванинг хизматлари каттадир.

— Мақсадимиз, — дейди у, — ахборот-таҳририят маркази ишини янада кенг қулоч ёйдириш. Бунинг учун ижодкор ўқитувчи, ўқувчилар сафини кенгайтиришимиз, уларнинг ишини жойларда ўрганишимиз зарур.

Умида ЮСУПОВА,
Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

БОЛА ВА ЭКОЛОГИЯ

Яқинда республика ёшларининг "БИОЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуасида Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга экология таълим бериш мавзусига бағишланган "Бола ва экология" деб номланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Бугунги кунда экологиянинг ёмонлашуви, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиатга етказилаётган зарарлар ҳақида кўп гапирилмоқда. Мана шу муаммоларга ечим топишнинг энг асосий ва тўғри йўли бола онги ва тафаккурида табиатга нисбатан, атроф-муҳитга нисбатан муҳаббат уйғотиш, табиат мўъжизалари бўлган сув, ҳаво, тупроқ ва дов-дарахтларга меҳр билан қарашни ўргатишдан иборат. Семинар ҳам асосан мурғакларни экологик қадриятлар руҳида тарбиялаш, боғча болаларида экологияга бўлган тафаккурни ривожлантириш, уларга шифобахш ўсимликлар тўғрисида маълумот бериш, сув ва ундан фойдаланиш ҳақида тушунчалар бериш каби бир қатор мавзулар асосида ўтди.

Семинарда халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова қатнашди.

Ушбу илмий-амалий анжуманни республика миқёсида ўтказишга келишиб олинди.

МУХБИРИМИЗ

"ИНСОН-ЖАМИЯТ-ДАВЛАТ" МУНОСАБАТЛАРИДАГИ УЙҒУНЛИК — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Турли ижтимоий-иқтисодий муносабатлар даражасига кўра, жамиятни инсонийлаштириш асло бир хилда бормайди. Янги технологиялар туфайли ишлаб чиқариш (иш, хизмат)нинг технологик усулида юз берган ўзгаришлар, инсоннинг ишлаб чиқаришдаги роли унинг фаолияти мазмунига, меҳнатнинг характери ва структурасига турлича таъсир этади. Бу ўзгаришларга объектив баҳо бериш учун қатор ҳодисаларни таққослаб ўрганиш талаб этилади.

Маълумки, инсон омилини турли фанлар — фалсафа, социология, педагогика, психология, менежмент ва бошқа фанлар ўрганади. Аммо, мазкур фанлар ўз тадқиқотларини бир-биридан ажралган ҳолда, инсонни турлича нуқтаи назардан (ҳар бир фан ўз предметидан келиб чиқиб) ўрганади. Жамиятни инсонлаштириш, унинг тараққиётида маънавий олам мавқеининг юксалиши эса қатор фанларнинг ўзаро ҳамкорлигини тақозо қилади. Яъни, етук инсонни шакллантириш учун албатта, инсон муаммоларини бир бутунликда ўрганишнинг концепцияси яратилмоғи лозим.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги қонуни юксак умумий ва касбий маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқболли вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир, ташаббускор кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

"Инсон-жамият-давлат" муносабатлари шахс хулқатворига таъсир этувчи тизилма сифатида намоён бўлиши, унинг мустақил фикрлашига, мулоҳаза юритишига, фаолият кўрсатишига боғлиқ бўлади. Бундай ўзаро муносабатларда шахсда ўзига хос тамойиллар, баҳолар ва ишончлар тизими вужудга келади. Унда у ёки бу даражадаги "инсон-жамият-давлат" муносабатларига бўлган одат андозаси шаклланади. Бошқача айтганда, бундай муносабатларда инсон манфаатининг акс этиши фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг юксалишига олиб келади. Демак, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади "инсон-жамият-давлат" муносабатларида манфаатларни рўёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратишдир. Ҳаракатлардаги узлуксизлик, амалий фаоллик, "инсон-жамият-давлат" муносабатларидаги уйғунлик ҳамда ихтиёрий-эркинлик, шунингдек, ижодий ишланишлар жамият равнақини белгилайди.

Республикамиз раҳбарияти кишилар тобора кўпроқ ташаббус кўрсатиши, ўз иқтидори, малакаси ва билимини фойдали тарзда тадбиқ қила олиши учун тегишли шарт-шароит яратиб бериш имконини изламоқда. Чунки бугунги ижтимоий амалиёт шу нарсани аниқ ва равшан кўрсатмоқдаки, мустақил меҳнат ёрдамида, ташаббускорлик билангина ижтимоий-иқтисодий равнаққа эришиш мумкин. Бу эса, манфаат муаммосини майдонга олиб чиқади. Унинг кенг қамровли нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий мавқеини юзага келтиради. Шу боис, манфаатларни ўрганиш, "инсон-жамият-давлат" муносабатларида манфаатлар муштараклигини таъминлаш долзарб масала бўлиб қолди.

Қаҳрамон ҚОРАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

Respublika o'qituvchilarining 1-anjumani oldidan

Учинчи. "Ислом Каримов модели" динамик модел сифатида ўрганилиши лозим. Давлат ва жамият ривожланишининг муайян босқичида ишлаб чиқилган ва жорий қилинаётган бу дастур кейинчалик ўзининг асосий максадини сақлаган ҳолда муайян ижтимоий-иқтисодий шароитларни инобатга олиб ривожлана бораверади. Миллий моделнинг шу ва шу каби хусусиятлари унинг илмийлиги ва истиқболлилигидан далолат беради.

Фикримизнинг яққол мисоли сифатида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ишга туширилиши (қарор билан тасдиқланган) параметрларига таҳлиллар асосида илмий асосланган ўзгаришларнинг киритилиши мисол бўла олади. Яъни, бу параметрлар "догма" эмас, балки Миллий моделнинг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнида, илмий исботланган фикрларни қабул қилишидир. Худди шунингдек, замонавий амалиёт талабларига мувофиқ олий таълим муассасаларида баъзи йўналишлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш муддатининг (ДТСларининг) қайта кўриб чиқилиши, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига киритиладиган ўзгаришлар ва шу каби масалаларнинг кун тартибига қўйилганлигида, яъни Миллий моделнинг илмий асосланган ўзгаришларни қабул қилишида намоён бўлмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ҳаётга татбиқ қилинишини таъминлашда илм-фаннинг асосий мақсади — узлуксиз таълим тизимида долзарб фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш истиқболларини прогнозлашдан иборатдир.

Амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг таҳлили Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришдаги баъзи ечилиши зарур бўлган масалаларнинг ҳам мавжудлигини кўрсатиб берди. Жумладан, тадқиқотчилар биринчи босқичдаги амалга оширилиши керак бўлган қуйидаги муҳим вазифаларни илмий асослашга етарлича эътибор беришмаяпти.

Мактабгача ва мактабдан ташқари таълим, кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари бўйича давлат талабларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар ўзининг мантиқий якунини топмаган. Халқимизнинг бой маданий тарихий ва маънавий-ахлоқий анъаналари, умумбашарий қадриятлари, мустақиллик ва демократия тамойилларига асосланган тарбия соҳасида яхлит тизим методологияси, назарияси ва услубиёти ишлаб чиқилмаган. Бу борада мақсадга йўналтирилган муайян тадбирлар амалга оширилиши тақозо этилади. Яъни:

—ўсиб келаётган авлоднинг "ғоявий иммунитети"ни шакллантириш. Жамиятга зид мақсадлар, экстремизм, диний фанатизм ва фундаментализм каби сарқитлардан холи қилиш;

—ёшларда рўй бераётган ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларга мустақил, танқидий баҳо бериш қобилиятларини ўстириш;

—онгнинг толерантлиги ва шу каби фазилатларни шакллантириш лозим.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказларининг фаолият юритишлари учун зарур илмий-услубий ҳужжатлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кун тартибидаги долзарб масаладир.

Илғор педагогик ва информацион технологияларни ишлаб чиқиш, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш бўйича мақсадга йўналтирилган илмий тадқиқотларни олиб боришда ҳам оқсоқликлар мавжуд.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унинг мазмуни ва ғоялари, "Ислом Каримов модели" параметрлари шу пайтгача **мунтазам илмий тадқиқотлар мавзусига** айланмаганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Илмий изланишлар аксарият ҳолларда фақатгина тор доирада, таълимнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган баъзи бир муаммоларини ечишга қаратилгандир. Бу, айниқса, шахс камолоти ва тарбиясига оид муаммоларга бағишланган илмий ишларда намоён бўлмоқда.

Ваҳоланки, айнан Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг параметрларини **чуқур илмий тадқиқ қилиш** узлуксиз таълим тизимининг ривожланишида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мос равишда сифат жиҳатидан янги босқичга тезроқ ўтилишига тўлиқ имкон яратади.

Миллий модел ва унинг муаллифи—мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов кадрлар тайёрлаш тизими ривожланишининг стратегик йўналишларини илмий асослаб, аниқ йўл-йўриқларини белгилаб берган. Айнан шу асосда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг аниқ вазифалари замирида фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари шаклланган.

Шу боис, хулоса қилиб айтиш мумкинки, Миллий модел биз—олимлар, амалиётчилар, мутахассисларга, ва айниқса, педагогик йўналишдаги илмий тадқиқотчиларга чуқур, кенг кўламдаги илмий изланишлар маконини яратди. Хўш, энди бу борада олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг **устувор, долзарб йўналишлари нималардан иборат бўлиши мумкин?**

Фикримизча, улар қўйидагилардир:

Биринчидан, узлуксиз таълим тизими фаолиятининг назарий-услубий асослари, уларни такомиллаштиришнинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш.

Иккинчидан, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда миллий-маданий, тарихий хусусиятлар, маънавий-ахлоқий анъаналар, халқ педагогикаси услублари, умумбашарий қадриятларига асосланган ҳолда тарбия қонуниятларини ўрганиш, излаш ва илмий тадқиқ қилишдир.

Учинчидан, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида таълим мазмунини, унинг асосий ва таркибий қисмларининг оптимал мувофиқлигини таъминлаш ва доимий равишда такомиллаштира бориш.

Тўртинчидан, ўқув-тарбия жараёнида янги информацион ва педагогик технологияларни яратиш ва қўллаш, бунга мувофиқ дастурий-дидактик таъминотни яратиш.

Бешинчидан, Ташхис марказларининг фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга асос бўладиган—шахсни шакллантириш борасидаги муаммо ва қонуниятларни ўрганиш, касбий ташхис, шароитга мослашув, касбий танлов каби ўта муҳим масалаларни илмий тадқиқ этиш зарур. Яъни, умумий ўрта таълим босқичини битираётган ўсмирларимиз онгли равишда ўз қобилият ва истеъдодларидан келиб чиққан ҳолда кейинги фаолият(касб-кор)ларини ўз ихтиёрлари билан танлашларига имкон яратишимиз лозим.

Юқорида таъкидланган илмий тадқиқотларнинг амалга оширилиши Миллий дастурни рўёбга чиқаришда пайдо бўладиган баъзи бир муаммоларнинг ўз вақтида илмий асосланган ҳолда ҳал этилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, барча соҳа олимлари ва мутахассисларининг ўзаро ҳамкорлигида илмий-тадқиқотларнинг олиб борилиши ва жорий этилиши таълим тизимида ўтказилаётган ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш имконини яратади ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлашувига ва унумли амалга оширилишига хизмат қилади.

Ушбу ҳақиқатни ҳар бир тадқиқотчи-мутахассис, педагог-олим чуқур англаши ва шу билан бирга, уни амалга оширишда шижоат, фидоийлик кўрсатмоғи лозим, деб ўйлаймиз.

Шавкат ҚУРБОНОВ,
педагогика фанлари доктори

Баъзи оилаларда овсинлар бир-бирларига ёвқараш қилиб, қарама-қарши бўладилар. Бундан таъсирланган болалари ҳам сан-манга боришади, сеники-меники қилиб жанжаллашишади.

Оқибатда, фуқаро У.Ёқубовага тегишли бўлган янги қурилаётган уйнинг 120 кв.м майдони ёниб кетган ва уй эгасига 50 минг сўмдан зиёд миқдорда моддий талафот етган.

Ma'rifat

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мен 3-"А" синфи раҳбарининг савол-жавобидан таажжубланиб, қани 3-"Б" синфи ўқитувчиси қандай фикрда экан, дея ёнига бордим. У ҳам елкасини қисди-да, бамайлихотир жавоб берди:

— Э. ўзи ўқувчиларга теккан

«А» БИЛАН «Б» ЖАНЖАЛИ

ёхуд ўқитувчиларнинг ушбу воқеликка панжа орасидан қараб, бамайлихотир қўл силташлари хусусида

касал бу. Ҳар хил конкурслар бўлади. Кимдир ютқазади, кимдир ютади. Шунинг учун оралари-да "рақобат" бўлиши керак, — шундай деб кулди-да, нари кетди.

Ё алҳазар! Мен иккала ўқитувчининг мулоҳазаларидан, болалар тарбиясига шунчалик савиясизларча, бепарволик билан қарашларидан ёқа ушлайман. Менимча, аввалambор, шундай ўқитувчиларнинг ўзларини тарбиялаш ва тушунтириш бериш керакдир. Ота-оналар орасида "бола бўлгандан кейин уришади-ярашади" дегувчилар ҳам бўлди. Ҳозир-ку, улар ҳали гўдак, юқори синфга ўтганларидан сўнг бу "рақобат" ҳам йириклашиб кетса, унда бу хатони осонликча тузата олармикинмиз?

Юқорида, мактаб ҳам оиладек гап, ўқувчилар эса бир оиланинг фарзандлари, дедик. Бу гапимизда кенг маъно бор. Баъзи оилаларда овсинлар бир-бирларига ёвқараш қилиб, қарама-қарши бўладилар. Бундан таъсирланган болалари ҳам сан-манга боришади, сеники-меники қилиб жанжаллашишади. Лекин мактаб катта оила — бу муқаддас даргоҳ. Ул даргоҳда билим олаётган фарзандларнинг иккинчи оналари бўлмиш мураббиялар мактаб остонасидан қадам қўйишларидан аввал психология, тарбия, эстетика, нутқ маданияти, тушунмовчиликларга чуқур назар ташлаш каби хислатларни ўзларида мужассамлаштириб, сўнгра кириб келганлар-ку.

Юқорида айтганимдек, биз ҳаммамиз дўст бўлиб кўзга кўринмас иллатларни тилимизни аччиқроқ қилиб бўлса-да, юзага чиқариб таг-томири билан суғуриб ташлашимиз даркор. Токи улар йириклашиб, жамиятимиздаги нуқсонларга йўл очиб бермасин!

Ҳурматли ўқитувчилар! Қарама-қаршилик ҳолатлари нафақат мактабларда, балки баъзи ташкилотларда ҳам учраб туради. Келинглар, биз ёшларнинг онгига дўстлик, бир-бирини қўллаб-қувватлашнинг моҳиятини тушунтирайлик. Токи фарзандларимиз бошқа-бошқа синфда ўқисаларда Ватанлари, туғилиб ўсган тупроқлари бир ердалигини, эътиқодлари, мақсадлари бир хил тарзда бўлиши кераклигини чуқур англаб етсинлар!

Раъно МАҲМУДОВА,
журналист

БОЛА БОШИДАН...

Ta'kid

Бошлангич таълим ўзининг моҳияти, хусусиятлари билан бошқа босқичлардан тубдан фарқ қилади. Бу давр боланинг таълим-тарбияга энг қизиқувчанлик, интилувчанлик, ўта ишонувчанлик хислатларининг шаклланувчи босқичи амалга ошадиган жараён ҳисобланади. Таълим-тарбиянинг бошлангич асосларини: алифбе, уқиш, ёзиш, чизиш, қўшиш, айириш ташкил этади, одоб-ахлоқ нормаларида эса ўқувчи саломлашиш, ўзини тута билиш, ортиқча ҳаракат қилмаслик, яхши ва ёмон хислатларни урганиб, уларнинг фарқига борадиган бўлади. Шу муносабат билан бошлангич синф ўқувчилари онги, қалбида ва хатти-ҳаракатларида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш муҳим ва бунда уларнинг ўзига хос хусусиятларини: кобилият, имконият, қизиқувчанлик, интилувчанлик, ишонч, тарбияланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбияни амалга ошириш лозим.

Хусусан, бошлангич синф ўқувчилари қалбида ишонч руҳини тарбиялаш, Узбекистон келажаги ёшлар қўлида эканлигига, унинг буюк давлат бўлишига ишонтириш ва шу руҳда уларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ишонч бўлмаган кишида қатъийлик бўлмайди. Қатъийлик ва ишонч бўлмаса, бошлангич таълим-тарбия ҳеч қандай самара бермайди. Шунинг учун ҳам, ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — ишонувчанликларидан унумли фойдаланган ҳолда уларни тўғри йўналтириш, турли асоссиз, ёт ғоялардан узоқроқ қилиб, миллий истиқлол мафкурасининг асосларини онгига сингдиришда ишончнинг аҳамияти чексиздир.

Бошлангич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда "Уқиш", "Ёзув", "Нутқ ўстириш", "Ашула", "Одоб сабоқлари", "Тарбиявий соат"ларнинг роли каттадир.

Масалан, "Уқиш" дарсида ўқувчиларга "Узбекистон—Ватаним маним" мавзусини ўқитиш, Узбекистон, Ватан ҳақида тушунча бериш, мустақилликка эришишимиз ва унинг мазмуни, тарихини қисқача ёритиб бериш, дарсда ўқувчилар билан мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказиш, Ватан, Узбекистон ҳақида шеър, ҳикмат, мақол, ҳикоялар ўқиб бериш ва уларнинг мазмунини ўқувчилардан сўраш, ўқувчиларнинг дарсда фаол қатнашишларини таъминлаш, янги педагогик технологияларни дарсда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнлар орқали Узбекистон, Ватанга нисбатан тушунча, меҳр-муҳаббат, озодлик, истиқлолга булган ишонч ҳис-туйғулари шаклана боради. Айниқса, мустақилликни илк ёшлигиданоқ ўқувчилар онгига сингдириш, мустақиллик билан боғлиқ буюк мақсадларга эришиш куникма ва малакаларини вужудга келтириш, тарбиялаш ва такомиллаштириш қанчалик мураккаб бўлмасин, уларнинг ёшига қараб содда, равон йўллар билан тушунтириш лозим.

Бунда кўпроқ ўқувчилар билан дарс жараёнида савол-жавоб, баҳс, мунозара, суровнома, кроссвордлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу, ўқувчиларнинг Ватан ва ватанпарварлик тарбияси ҳақидаги билимини оширса, иккинчидан, Ватанга муҳаббат ҳис-туйғуларини шакллантиради, учинчидан эса ватанпарварлик туйғусининг асосларини яратишда замин булади.

Оҳиста АЛИМОВА

Xullas...

РЕКОРДЛАР КИТОБИ УЧУН

Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида истиқомат қилувчи Абдул Рашид Варси ясаган туфли ўзидан бир неча метр узундир. Оғирлиги 45 килограмм бўлган ёзги оёқ кийими бир мақсад учун яратилганлиги сир эмас: у ҳам бўлса, Гиннеснинг рекордлар китобига кириш. Битталик оёқ кийимини ким ҳам киярди дейсиз?

Тўрт метр узунликдаги оёқ кийими ясашга косиб Абдул Рашид роппа-роса уч ой вақт сарфлади.

Инсон ақлу заковатининг меваларидан яна бири ҳам рекордлар китобига киритилиши аниқ.

ОШХЎРЛИК МУСОБАҚАСИ

Кўп сонли ўзбек паловини еювчилар мусобақасида иштирок этган, каунаслик талаба Андрюсга бир кило таомни ейиш учун тўрт дақиқа вақт кифоя қилди. Одатдан ташқари бу мусобақа шаҳар ресторанларидан бирида реклама мақсадида уюштирилгани аниқ: ахир бундай жойлар катта даромад орттириш манбаи эканлиги кундек равшан.

"Ким ўзар" мусобақасининг асосий мақсади иштирокчиларни мутлақо қизиқтиргани йўқ. Рекорд натижани қўлга киритган Андрюс бу ерга иштаҳаси карнай бўлиб келди. Бошқалар тўрт дақиқада ярим кило паловхонтўрани ейишга зўрга улгуриб, доғда қолишди.

Андрюс имтиёзга эга бўлди: бир ҳафталик текин тушлик. Ресторан ходимлари мусобақа пайтида бир қозон ош тарқатишларига тўғри келди.

ПОПОВАНИНГ ТАШАББУСИ

Етуклик шаҳодатномасида умумтаълим предметларидан ташқари "мактабгача ёшдаги болалар парвариши курсини ҳам тинглади" деган ёзув бор эди. Таажжуб, бу нимани англатар экан?

Свердлов вилоятининг Камишево қишлоғидаги ўрта мактаб битирувчи қизларига биология ўқитувчиси Тамара Попованинг ташаббуси сарёғдек ёқиб тушди.

Гап шундаки, бу ерда қизлар мактабни тамомлашлари билан турмушга чиқишади. Ҳар қалай бола парваришидан хабардорлик уларга зиён келтирмаслигига Тамара Попова ўз тажрибасида иқрор бўлган. Учта фарзандни катта қилган муаллима ўқувчи қизларга факультатив машғулотда нима билса, шуни ўргатди. Ўқувчи қизларнинг маълумот дафтарчасида бир нечта боблар бор: чақалоқни йўргаклаш, боқиш, чўмилтириш, тоза ҳавога олиб чиқиш, эмлашга элтиш ва ҳоказо. Албатта, машғулотларда тирик чақалоқдан эмас, қўғирчоқдан фойдаланилди.

Алқисса, муаллима ҳам, битирувчи қизлар ҳам хурсанд...

ana shunaqa gaplar...

Sport

ЖЧ - 2002 ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон терма жамоаси ЖЧ-2002нинг иккинчи босқич саралаш учрашувларини 17 августда БАА билан, 26 августда Катар, 8 сентябрда Оман, 15 сентябрда Хитой, 23 сентябрда БАА, 28 сентябрда Катар, 13 октябрда Оман ва ниҳоят, Хитой билан 20 октябрь кунлари ўтказади.

"TASHKENT+OPEN" ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда ўтган ушбу халқаро турнирда ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова муваффақиятли иштирок эта олмади. У чорак финал беллашувларида кортни тарк этди. Финал германиялик Б.Ламаде ва нидерландиялик С.Нурландерлар ўртасида кечди. Турнирнинг бош соврини Б.Ламадега насиб этди.

УЛАН-БАТОР МЕЗБОН БЎЛДИ

Монголия пойтахтида ниҳоясига етган юнон-рим кураши бўйича Осиё чемпионати баҳсларида Ўзбекистон вакиллари 7 та медалларни қўлга киритдилар. А.Чеглаков (97 кг) олтин, Р.Биктяков (69 кг), Д.Захариддинов (63 кг) кумуш ва С.Нав-рўзов (58 кг.), Е.Ерофайлов (65 кг.), Ш.Қўзиевлар (130 кг.) бронза медаллари билан қайтдилар.

16 ТАДАН 6 ТАСИ "ОЛТИН"

Бугун ўзбек каратэ мактаби жаҳон спорти саҳнасида ўзига хос ва мос мавқега эга. Мардлик ва жасорат тимсоли бўлган якка курашларда эришилаётган ютуқлар маҳсули бу. Малайзиянинг курорт шаҳри — Кота Кинабалуда ўтказилган Жаҳон кубоги мусобақаларида ўзбекистонлик каратэчилар 6 та олтин, жами 16 та медални қўлга киритдилар.

ҚОЗОҒИСТОН ОСИЁ ТАРКИБИДАН ЧИҚДИ

Осиё футбол конфедерацияси Қозоғистон футбол федерациясини ўз таркибидан чиққанлигини тасдиқлади. Бунинг бош сабаби қардошларимизнинг Европа футбол ассоциациялари иттифоқига аъзо бўлишга интилаётганидир.

mayduonchasi

МИНГ МАРТА ЭШИТГАНДАН...

Фарзандларимиз улуғ тарихимизнинг маънавий бойликларидан баҳраманд бўлишлари учун уларни сайёҳлик йўналишидаги тўгаракларга жалб қилиш, уларга маълум ҳудуд, тарихий обидаларини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази соҳибқирон Амир Темур қадамжолари бўйлаб Тошкент—Шаҳрисабз—Китоб—Тошкент йўналиши бўйича саёҳат ташкил этди.

Саёҳат Тошкентдан жанубий йўналишда, Ўзбекистон Республикаси жанубий ҳудудида жойлашган Қашқадарё воҳасининг икки шаҳрида ўтди.

Тахтиқорача довонининг чўққисидан туриб қарасангиз, Шаҳрисабз ва унинг атрофидаги жойлар ям-яшил, мавжланиб турган бепоён денгиздек бўлиб кўринади. Ана шу "денгиз" устида азим Оқсарой харобалари (1380-1404 йилда қурилган) осмонга бўй чўзиб туради. Шаҳрисабзнинг ўзи ҳам, шу шаҳарга ажиб бир ҳусн бериб, ўзига хос кўрк бўлиб турган ёдгорлик ҳам Темур номи билан боғланган.

Муарриҳларнинг қайд этишларича, Амир Темурда бир одат бор эди — ҳар бир юришини нишонлаб, қандай бўлмасин бирор иншоот бино қиларди. Бу одат натижаси ўлароқ, Самарқанд билан Шаҳрисабз обод бўлди. Оқсарой Темурнинг ўзга юртга қилган юриши кўнгилдагидек ўтганлиги шарафига бино этилган бўлса ажаб эмас. Шаҳарда Амир Темур қурдирган Оқсаройдан ташқари, темурийлар сағанасининг бир қисми — Доруссиёдат (XV аср), Ҳазрати Имом мадрасаси, Жаҳонгир дахмаси, Улуғбек авлодлари мақбараси — Гумбази Сайидон (1437-1438 й.)жойлашган.

Китоб шаҳрида эса Ер шари бўйича меридионал 5 обсерваториядан бирининг жойлашганлиги, астрономия бўйича Ўзбекистон олимларининг ҳозирги илмий ютуқлари билан танишиш ҳам тўгарак аъзоларида жуда катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу саёҳатда ўлкашунослик тўгараклари ва клублари аъзолари ва раҳбарлари (тарихий ўлкашунослик, экологик ўлкашунослик, биологик ўлкашунослик, археологик ўлкашунослик, санъатшунос ўлкашунос) қатнашдилар.

Саёҳатнинг кўнгилли ўтиши учун раҳбарлар саёҳат дастурларини топширдилар. Унда тўгарак йўналиши бўйича қилинадиган ишлар аниқ кўрсатилди.

Ҳар бир ўқувчи саёҳат жойи билан турли адабиёт ва хариталар орқали олдиндан таништирилди. Тўгарак аъзоларининг қизиқишларига кўра саёҳат лавозимлари белгиланди. Медицина назорати ва биринчи медицина ёрдами бўйича; овқатланиш; юкларни асраш; тартиб-интизом; режа бажарилиши назорати ва ҳоказолар билан саёҳат турмуши таъминланди.

Ўқувчилар саёҳат давомида Ватанимизда бўлаётган ўзгаришлар билан танишдилар, саёҳат кундаликларини юритишга ўргандилар, шаҳарларда экологик кузатувлар олиб бориш, аҳоли пунктларининг кўкаламзорлаштирилгани, сув таъминоти ва бошқаларни кузатдилар.

Саёҳат давомида болалар топонимлар — жой номларининг аталиши ва келиб чиқиши бўйича маълумотлар тўпладилар, этнографик кузатувлар олиб бордилар.

Ушбу саёҳат ўқувчиларни бой тарихий ва маданий меросимиз билан таништирди, тарихимизга ҳурмат ва ғурур ҳиссини уйғотди. Она-Ватанга меҳр ҳиссини кучайтириш, ҳаётимиз ва турмушимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлардан хулоса чиқаришда бундай саёҳатларнинг аҳамияти катта.

Мавжуда ОДИЛОВА,
Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази раҳбари муовини

Бола тафаккурининг ривожланиши, ақлий ва жисмоний соғломлашишида боғчанинг алоҳида ўрни бор.

Чилонзор туманининг 17-мавзеида жойлашган "Олтин балиқча" номли мактабгача таълим муассасасида 244 нафар болакай таълим-тарбия оладилар. 24 нафар тарбиячи-устозлар болажонлар билан қизиқарли суҳбатлар, машғулотлар ўтказишади. Кичкинтойлар спорт билан мунтазам шуғулланишади.

Суратда: ушбу масканнинг лобар, ширинтой қизалоқлари ҳар тонг мана шундай табассум билан ўз қадрдон боғчаларига кириб келадилар.

Бахтиёр АКРОМОВ олган сурат.

САНЪАТ ШАЙДОСИ

Ҳозирги вақтда ёшларимизга эътибор кучаяётган бир вақтда, уларнинг истеъдодлилари танланиб, рағбатлантирилмоқда. Ҳатто жаҳон миқёсида ҳам билимдон, жисмонан бақувват ёшларимиз ўзлигини намоён этмоқда. Бундай болалар республикамизнинг турли вилоятларида топилиши мумкин. Биз қаламга олаётган ёш истеъдодли санъаткор Шерзод Жонибеков ҳам худди шундай ёшлардандир. Ёш санъат ихлосманди 1988 йилда Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида туғилган. 1995 йилда 27-мактабга илк қадам қўйганида, кичкина жуссали болакайнинг санъатга бўлган қизиқишини атрофидаги устозлари вақтида англаб етди. Уни Ўзбекистон Бадиий академиясига



қарашли Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги "Тасвирий ва амалий санъат" лицей-интернатининг мусиқа санъати бўлимига ўқишга таклиф қилди. Бу болакай ўз устозларининг ишончини оқлади. Шерзод 2000 йилда лицей-интернатида ўтказилган "Истеъдод—2000" кўрик-танловида "Бобур нидоси" қўшиғини ижро этиб, биринчи ўринни олган эди.

Республика миқёсида 2001 йилда ўтказилган М.Ашрафий номидаги "Ёш ижрочилар" кўрик-танловида эса эстрада йўналишида "Мафтунингман" қўшиғини ижро этиб, барчани ўзига мафтун этганди.

Ёш санъат шайдоси бўлган болалар рағбатлантирилиб турилса, қанчадан-қанча истеъдодлар кашф қилиниши мумкин. Биз ҳам бу болакайнинг келажакда ўз соҳасининг моҳир устаси бўлишига ишонамиз.

Наргиза АҲМЕДОВА

СУВДАГИ ҲАЁТ ХАВФ ОСТИДА

Қишлоғимиз чеккасида қадимдан «Сиёб-Қорасув» ариғи оқиб ўтади. Мен бобомдан бу ариқда балиқнинг 6-7 хил тури бўлиб, 10 кг.гача оғирликка эга бўлган балиқлар бўлганлиги ҳақида кўп эшитганман.

Ҳозирда Сиёб ариғида балиқнинг уч тури, яъни ширмой, лаққа ва танга балиқ турлари қолган бўлиб, улар ҳам қирилиб кетиш арафасида. Баҳор ойларида балиқлар тухум қўяди ва кўпаяди. Айрим инсофсиз кишилар электр токи ёрдамида айни баҳор вақтида балиқ овлашади. Электр токи сувга тиқилганда биргина тановул қилишга ярайдиган балиқларгина эмас, балки уларнинг тухумлари ҳам қирилиб кетади. У билан бир вақтда сув ўтлари ва сувда яшайдиган бошқа ҳашаротлар ҳам қирилиб кетмоқда.

Бу каби нохуш ҳаракатларнинг олдини олувчи ташкилот, қарор ёки қонун борми ўзи? Бўлса, нима учун амалда қўлланилмаяпти?

Мен шу Сиёб ариғини тоза ва ўз бойликлари билан келгуси авлодларга етказишимизни истар эдим.

Аюбхон АСРОРОВ,
Тайлоқ туманидаги 28-ўрта мактабнинг битирувчиси

Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги Р.Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати 2001-2002 ўқув йили учун 1 ва 5-синфларга қабул эълон қилади.

Ҳужжатлар қабул қилиш 20 июндан 29 июнгача қабул қилинади

Имтиҳонлар 1-2-3 июль кунлари ўтказилади.

Манзил: Тошкент, Саидов кўчаси, 4-уй.

Тел.: 46-03-24

QUTLOV

Қадрли Зарифа Рустамқуловна!

Сизни 50 ёшингиз билан самимий қутлаймиз. Умидли дунёнинг барча яхшиликларини тилаган ҳолда, узоқ умр, соғлик ва омонлик, бахтиёр ҳаёт, фарзандлар камолини кўриш бахти ҳамиша насиб этишини истаб қоламиз.

Республика Таълим маркази жамоаси
Касаба уюшма қўмитаси

БЕКОРЧИ БОЛАЛАР ВА ЎТ БАЛОСИ

Мана, кўз очиб юмгунча баҳор ўтиб, ёз кириб келди. Баҳор фаслида кўм-кўк бўлиб турган майсалар май ойидан қурий бошлайди. Кўпчилик ушбу қуриб қолган ўтларни, шох-шаббаларни ва йиғилиб қолган чиқиндиларни йўқотиш учун яшаб турган уйлар атрофларини, меҳнат қилаётган корхона, ташкилот ва муассасалар ҳудудларини мунтазам равишда тозалаб туради. Айримлар ушбу ишга бепарволик билан қарашади. Лекин кўпчилигимиз билмаймизки, ушбу "эътиборга арзимайдиган", ўз вақтида тозаланмай қолиб кетган қуруқ ўтлар, шох-шаббалар ва йиғилиб қолган чиқиндилар ёниши оқибатида фуқароларга зарар етказилади.

Фақатгина Собир Раҳимов туман ҳудудида жорий йилнинг ўтган май ойида содир бўлган 22 та ёнғиндан 15 таси қуруқ ўтлар, шох-шаббалар ва йиғилиб қолган чиқиндиларнинг ёниш ҳоллари билан боғлиқ бўлган.

Кун бўйи бекорчиликдан безор бўлган ёш болалар 100 кв. м майдонни эгаллаган қуриган ўтни ёқиб юборишган. Анча вақт мобайнида ёнаётган ўтни кўриб турган катталар ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилишмаган. Оқибатда, фуқаро У.Ёқубовага тегишли бўлган янги қурилаётган уйнинг 120 кв.м майдони ёниб кетган ва уй эгасига 50 минг сўмдан зиёд миқдорда моддий талафот етган.

Ёш болаларнинг олов билан ўйнаши ҳамда катталарнинг бўлиб ўтаётган ҳодисаларга бепарволиги оқибатида ушбу ёнғин келиб чиққан.

Афсуски, бу каби ҳодисалар ҳаётда кўп учраб туради. Ҳар биримиз атрофимизда бўлиб ўтаётган ҳодисаларга бепарволик қилмасдан, озгина аҳамият берсак, бу каби ёмон воқеаларнинг олдини олган бўлар эдик. Чунки бу кулфат ҳар бир инсоннинг бошига тушиши мумкин...

Р.АЛАУДИНОВ,
Собир Раҳимов туманидаги 4-ҲЁСБ катта нозири

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди
Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат Тошова саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Фарҳод ЭРДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2517. Тиражи 26.348.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.